

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ҳ.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар..... 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 12

КИМЁ

М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири 17

М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилининг такомиллашган усуллари..... 20

Н.ТўЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари..... 35

М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари 38

ТАРИХ

У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бакр Фарғоний 43

Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида 46

А.НИШОНОВ

Султон Саидхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси 50

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари 53

Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари..... 56

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси 59

С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси 66

Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) 69

УДК: 10+17/171

ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

Ф.Юлдашев

Аннотация

Ушбу мақолада жамиятда изчил амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ушбу жараёнларда ёшларнинг фаоллиги, уларнинг миллий маънавиятимизга бўлган муносабати ва ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясининг бугунги долзарб илмий-назарий масалалари баён қилинган.

Аннотация

В статье излагаются суть и содержание реформ, последовательно реализуемых в обществе, активность молодежи в этих процессах, ее отношение к национальной духовности и современные научно-теоретические вопросы духовного и нравственного воспитания молодого поколения.

Annotation

In this article the essence and content of the reforms that are consistently implemented in the society, the activity of the youth in these processes, their attitude to the national spirituality and the current scientific and theoretical issues of the spiritual and moral education of the young generation are considered.

Таянч сўз ва иборалар: фуқаролик жамияти, ёшлар мустақил фаолияти, миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий негизлари, умуминсоний қадриятлар, миллий маънавият.

Ключевые слова и выражения: гражданское общество, самостоятельная деятельность молодежи, духовно-нравственные основы национального развития, общечеловеческие ценности, национальная духовность.

Keywords and expressions: civil society, independent activity of the youth, spiritual moral basis of national development, human values, national spirituality

Бугунги кунда жамиятимизнинг жуда катта қисмини ташкил этган ёшларга, уларнинг тарбиясига давлатимиз томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Жамиятда маънавий ҳаётни юксалтириш, биринчи навбатда, ёшларнинг фаоллиги ва ҳаракати билан бирга уларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топганлигига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлоқ ва одоб инсон ҳаётининг дастлабки давриданоқ шаклланиб, унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил ҳисобланади. Инсон тарбиясининг шаклланиши, муайян ахлоқий меъёрлар, билим, фан, меҳнат ва тажрибанинг ортишига туртки бўлади. Кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш қоидалари, ғоялар ва ҳиссиётлари ва уларнинг инсон онгида акс этиши бевосита ахлоқий онг, ахлоқий маданиятга боғлиқ. Ахлоқий онг инсон ҳарактерига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда одоб, билим, эътиқод, ихлос, виждон ва иймон каби хислатлар асосида шаклланади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари

биргалиқда инсонда ижтимоий ҳаётнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақидаги муайян дунёқараш, мафкуравий эътиқодлар тизимининг шаклланишига олиб келади. Маънавиятнинг моҳиятини ифодаловчи бу руҳий ҳолатлардан бирортасини мутлақлаштириш ёки бўрттириш мумкин эмас. Ахлоқ ва одоб бўлмаса, билим, илм, ижтимоий фойдали фаолият ҳам бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, ахлоқ ва одоб маънавиятнинг мазмунини ташкил этади. «Маънавият, – деб таъкидлайди И.А.Каримов, – инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан сингади» [1]. Жамиятда ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолотга етишларида умуминсоний қадриятларга содиқлик, ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик каби фазилатлар асосида юксалтирилади. Ушбу тушунчалар алоҳида инсон шахсининг ўз ички имкониятларини эркин намоён қилишида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг миллий маънавиятни ривожлантиришга бўлган эътибори, биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг ҳақиқий эркинлигини таъминлашга

Ф.Юлдашев – ФарДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси.

қаратилган. Айнан, “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир” [2.362]. Инсон моҳиятига кўра, ўзининг маънавий-ахлоқий муносабатлари билан табиатнинг энг олий мавжудоти, деган улуғ номга мушаррафдир. Инсоннинг юксак маънавият соҳиби бўлиш жараёни унинг бутун умри давомида содир бўлиб, унинг ёши улғайган сари олам ҳақидаги фалсафий билимлари кенгаяди, ўзлигини англайди, маънавияти юксалиб, баркамол шахс сифатида шаклланади. Инсон ва жамият маънавият билангина тирикдир. Бугунги кунда “Агар жамият тана бўлса, маънавият унинг руҳидир” ибораси аксиомага айланмоқда. Бинобарин, бу руҳ инсонни уюштиради ва илҳомлантиради, орзу-ҳаваслар сари етаклайди. Маънавият ақлли муносабат, журъат, онгли кураш асоси ҳамдир. Маърифатли халқнинг руҳи соғлом, нияти пок, тилаги эзгу бўлади. Аксинча, маърифатсизлик халқнинг жаҳолат ботқоғига ботишига сабаб бўлади. Инсон онгли ҳолда ўзи танлаган, зарурий деб билган ва эътиқод қилган фаолият турини дастур қилиб олиши ва уни рўёбга чиқариши мумкин. Маънавият ва ахлоқ моддий ҳаётнинг инъикоси, ижтимоий эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида жамиятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Юксак маънавиятли инсон билан маънавияти саёз, ҳаётга муносабати енгил-елпи кишиларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини миллий ғоя ва маънавият тушунчалари орқали жамиятимиздаги миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш, ислохотларнинг маънавий аҳамиятини ёшларга тушунтириш билан, бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари нақадар долзарблагани ва энди бу масалалар фақат миллий ҳудуд билан чегараланиб қолмай, умумбашарий муаммога айланаётганлигига жиддий эътибор қаратиш лозим. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, бугун бизнинг маънавий тарбия масаласида асло бепарво ва лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ [3.116]. Бугунги кунда жаҳон миқёсида авж олиб бораётган маънавий ва ахлоқий жаҳолатга қарши курашиш, ёшларни улاردан ҳимоя қилиш, билим, маърифатни юксалтириш, таълим-

тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш ҳар бир инсоннинг муҳим вазифасидир.

Маълумки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзи ва келажагини аждодларининг тарихий тажрибасини ўрганиш асосида бунёд этади. Ер юзидаги турли минтақаларда яшайдиган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқаларни олиб бориши, миллатларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлаштиради. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороти ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти, буларнинг ҳар бирида ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғунликни кузатиш мумкин. Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига амал қилиш натижасида ушбу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси асосида аста-секинлик билан шакллантириб, ўзаро муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, маънавий ҳаётдаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Миллий маънавиятни юксалтириш, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини, умумбашарий мувозанатни, адолатни тиклаш орқали бутун дунё халқлари орасида бир-бирини тушуниб яшашга эришиш мумкин. Ёшларни душманлик, ҳасад, ғайр кўзи билан қарашга эмас, ўзгани тушуниш, инсонларга меҳр кўзи билан боқишга ўргатиш зарур. Бу улуғ ҳақиқат билан бирга ёшлар ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган инсон ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлгимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир. Ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий-ахлоқий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун инсониятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Шундай экан, айна миллатимизни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи моҳиятлар эмас, балки бирлаштирувчи омиллар миллий, маънавий-

ахлоқий негизларини ташкил этади. Ёшлар маънавиятимиздаги умуминсоний ғояларни теран ҳис этиб, миллий бир тарзда ўзлигини, ахлоқий муносабатларини намоён қилади. Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда кўрмоғимиз лозим. Ушбу уйғунликни сақлаш билан инсонлараро зиддиятларнинг олдини олиш, турли нифоқ, ихтилофлар, шахс эркини бўғувчи муаммоларни ижобий йўл билан ҳал этиш мумкин. Мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бирида ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятлари мавжуд. Аммо уларнинг барчаси Оллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси - бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян қадриятлар, ахлоқий меъёрларга амал қилиши зарур. Ушбу ахлоқий нормаларни бузилиши, қадриятларнинг инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башариятни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Ёшларнинг арзимас ҳою ҳаваслари йўлида ўз келажакларини барбод этишларига йўл қўймасдан, уларнинг адолат туйғуси билан ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат эвазига бахтли ҳаётларини қуришларига, ўз моддий ва маънавий

эҳтиёжларини қондиришларига кўмак бериш зарур. Давлатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги вазифаларини ҳал этиш, келажакда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантирувчи ҳар бир фуқаросининг, айниқса ёшларимизнинг ахлоқий онги, фаолияти ва тарбияси даражасига боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ҳужжатларида, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев асарлари ва нутқларида ахлоқ-одоб масалалари ва муаммоларига муҳим аҳамият берилмоқда. Жумладан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур», деб ёзилган. Жамиятимиз олдида ёшларнинг онги, ва руҳиятига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ёшларнинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Шундай экан, ёшларни жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол субъектларига айлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кўплаб ислохотларда, маънавий-ахлоқий масалаларда ёшларнинг билими, дунёқараши, тажрибаси ва фаоллигини ошириш, миллий мерос, тарихий хотирага бўлган муносабатларини янада яхшилаш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий тафаккурини, маданиятини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Президент қарори. -“Ўзбекистон овози” газетаси. -2007 йил, 27 август.
2. Ислом Каримов. Асарлар. 7-жилд, “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” – Т., “Ўзбекистон” 1999.
3. Каримов И.А.. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).